

## Мўғил татар қиссаси ۱۰-қисм

**Абу Абдуллоҳ Шоший**

Ушбу дарс куйидаги мавзуларни ўз ичига олади: – Халифанинг ўлими; – Боғдод кутубхонасининг оқибати; – Тарихда Ислом кутубхоналарининг муунтазам талофат кўргани; – Боғдодга ўт қўйилиши; – Боғдод ахлининг баъзиларини тирик қолдирилиши; – Муаййиддин Алқамийнинг Боғдодга ҳоким

қилиниши; – Боғдод

ағдарилишининг асорати;

<https://islamhouse.com/۳۹۶۴۸>.

- Мўғул татар қиссаси ۱۳- қисм
  - Бисмиллаҳир роҳманир роҳим
  - Мўғул-татар қиссаси
  - Ўтган сұхбатимизда:
  - Халифанинг ўлими
  - Боғдод кутубхонасининг оқибати
  - Боғдодга ўт қўйилиши
  - Боғдод ағдарилишининг асорати
  - Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

## Мўғул татар қиссаси ۱۳- қисм

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

#### Мўғул-татар қиссаси

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир.  
Унга ҳамду сано ва истиғфорлар  
айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз,  
нафсларимиз ҳамда ёмон  
амалларимиздан паноҳ тилаймиз.  
Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани  
адаштирувчи, адаштирган кимсани  
ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен  
шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ  
йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва  
Элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

#### Ўтган сұхбатимизда:

- Боғдод ҳукуматининг аҳволи;
- Боғдод халқининг ҳолати;
- Боғдоднинг қамал қилиниши;
- Мўғуллар билан Аббосийлар хилофати ўртасидаги музокаралар;
- Боғдоднинг ўққа тутилиши;
- Халифанинг хўрланиши, каби мавзуларни зикр қилган эдик.

## Халифанинг ўлими

Халифа ва унинг ۱۷ одами  
Хулагунинг ҳузурида, делегациядан  
қолган кишилар ва шаҳарнинг барча  
олим, фақиҳ ва қорилари қатл

қилингандан кейин, мўғул қўшини  
Боғдоднинг кўча-кўйларига селдек  
оқиб киришди. Қонхўр Ҳулагу  
Ислом пойтахти Боғдодни оёқости  
қилиб топташга буюрди, яъни мўғул  
қўшини хаёлларига келган  
бузғунчилик, қатл, асир олиш,  
талон-тарож қилиш, зино, босқин,  
вайрон, ўт қўйишга буюрилди. Ҳар  
бир аскар билган номаъқулчилигини  
қилишга киришди. Йиртқич мўғул  
армияси бўри ўз ўлжасини бурда-  
бурда қилгани каби мусулмонларни  
тилка-пора қила бошлади... Ва лаа  
ҳавла ва лаа қуввата иллаа  
биллах.

Буюк шаҳар Боғдоддан неқадар  
мужоҳидлар жангларга сафарбар  
бўлган эди? Бу шаҳарда қанча-қанча  
уламолар инсонларга динларини  
таълим берган эди? Не-не толиби  
илм Боғдод сари йўлга отланган  
эди? Мана ҳозир Боғдодда ҳеч ким  
қолмади! Қани Холид ибн Валид?  
Қани Мусанна ибн Ҳориса? Қоъқоъ,  
Нўймон ва Саъд қани?  
Рижолларнинг ҳамияти ва ғуури  
қаерда қолди? Мусулмон ёшлардаги  
довюраклик, шижаат қани? Жаннат  
харидорлари-ю, Оллоҳ йўлида  
жиход қилувчилар қани?  
Номуслари, аёллари, фарзандлари,  
мол-давлати ва ватаннинг

ҳимоячилари қаерда қолди?  
Афсуски, уларнинг биронтаси йўқ.  
Бирор қаршиликсиз шаҳар  
дарвозалари очиб берилди. Боғдодда  
бирорта рижол қолмаган, фақат  
уларга қайсиdir жиҳатлари  
ўхшаганлар қолган эди. Имом Абу  
Ҳанифа, имом Шофеъий ва Аҳмад  
ибн Ҳанбаллар шаҳри, Рошид  
раҳимахуллоҳ ва Амурияни фатҳ  
қилган Муътасимнинг диёри, беш  
асрдан буён Ислом оламининг  
пойтахти бўлган Боғдод шаҳри  
оёқости қилинди. Мўғуллар  
шаҳарда ақл бовар қилмадиган  
ишларни қилишди, улар кўча-  
кўйлар, хонадонлар, боғу-роғлар,

масжид-у, мактабаларда  
мусулмонларни таъқиб қилиб  
ўлдиришди. Мусулмонлар дуч  
келган жойга қочишдан бошқа чора  
топмадилар.

Бир мусулмон уйга беркиниб,  
эшикни қулф ила маҳкамласа, мўғул  
аскари эшикни ё бузиб, ё синдириб  
ёки ўт қўйиб бўлса ҳам уйга кираг  
ва уни ўлдираг эди. Мусулмон киши  
томга чикса, мўғул аскари ҳам  
унинг ортидан томга чиқиб, ўша  
ерда унинг жонига зомин бўлар эди.  
Қон шу қадар кўп тўкилганидан  
тарновлардан одамзот қони ёмғир  
мисоли оқди, иннаа лиллаҳи ва  
иннаа илайҳи рожиъун<sup>[1]</sup>. Мўғуллар

биргина эркакларини эмас, ҳатто қариялар, аёллар – бундан кўзларига чиройли кўринганлари мустасно, уларни асир қилишарди–, болалар ва чақалоқларни ҳам ўлдирар Эдилар.

Бир бадбаҳт мўғул аскари йўл ёқасида оналари қатл қилинган <sup>ξ</sup> · та чақолоққа дуч келади ва уларга "раҳм қилганидан" ҳаммасини ўлдиради<sup>[۲]</sup>. Дарҳақиқат, мўғулларнинг қалблари тошдек, ҳатто ундан-да қаттикроқ бўлиб кетган эди. Мусулмонлар тинимсиз ўлдирилганидан, кун сайин шаҳарда ўликлар сони ортганидан ортди. Мусулмонларнинг қалбларига

мўғуллар енгилмайди,  
жароҳатланмайди, қолаверса  
ўлмайди ҳам, деган тушунча  
даҳшатли қўрқувни олиб кирган,  
бунинг натижаси ўлароқ мўғул  
босқинчиларига номига бўлсада  
қаршилик қилинмаган эди.  
Буларнинг барчаси халифа  
тириклигига амалга оширилди ва  
халифа бу ҳодисаларни кўзлари  
 билан кўриб турди. Бу  
ваҳшийликларнинг қарисида  
турган халифанинг қалб  
кечинмалари, алами ва ҳасратини  
бир тасаввур қилинг, а! Халифа от  
ёки эшак сингари буюқ шаҳар  
бўйлаб етаклаб юрилди, унинг

ёнида сотқин вазир Муаййиддин Алқамий ва Насируддин Тусийлар мұғул аскарларига олтин, кумуш ва дуру, гавҳарларнинг ерларини күрсатиб борарди [۳].

"Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсам-у, бутунлай унутилиб кетсам эди" [۴]

"Менга (не машаққатлар билан топган) мол-дунёйим асқотмади-я! Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!" [۵]

"Токи қачон улардан бирига ўлим келганида: Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам»,

деб қолур. Йўқ! (У асло ҳаётга қайтарилимас). Дарҳақиқат бу (ҳар бир жон бераётган кофир) айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) бир тўсик бўлур"[\[۱\]](#)

Каби руҳий кечинмалар халифанинг қалбиға найза мисоли қадалган бўлиши табиий. Бу хорлик ва зорликнинг сабаби аниқ.

Абдуллоҳ ибн Умар –розияллоҳу анҳумо–дан ривоят қилинади: "Мен Расулуллоҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам–нинг: "Агар ийна (рибо тури) билан савдо-сотик қилсангиз,

сигирларнинг думини тутсангиз ва фақат экин-тикин билан машғул бўлиб, жиҳодни тарк қилсангиз, Оллоҳ таоло сизларга хорликни келтириб қўяди ва то динингизга қайтмагунларин- гизча, уни устингиздан кўтармайди", деганларини эшитганман"[\[У\]](#).

Боғдод халқи зироъат, тижорат, синоъат, қолаверса, илм ва таълим ишларини ўз йўлига қўйган, бироқ Оллоҳ йўлидаги жиҳодни тарк қилган эдилар, натижада уларнинг устига хорлик туширилди.

Хулагу Боғдодга кириб, халифанинг қасрига борди, унга кирди ва

халифани олиб келишларига амр қилди. У бу кунни байрам қилишни қасд қилди ва халифага "Биз меҳмонмиз ва сен мезбонсан, шундай экан меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиб, зиёфат қилиш сенга вожиб", – деди. Ҳалифа буни тасдиқлади. Уни даҳшат тутиб қаттиқ қўрққанидан, эс-ҳушидан ажралишига оз қолган ҳатто хазиналарнинг калитларини қаерга қўйганини билолмаслик даражасига етган эди. Шунда у хазина қулфларини бузишга буйруқ қилди ва икки минг кийим-бош, ўн минг динор, қимматбоҳо буюм ва бир қанча жавоҳирларни чиқариб,

Хулагуга тақдим қилди. Бирок Хулагу уларга қайрилиб қарамади ва аскарларига тақсимлаб юборди. У "булар аскарларнинг ҳаққи эди, энди менга ер остига кўмилган бойликларни кўрсат", деди. Халифа сарой ўртасида ҳовузга кўмилган олтинлар борлигини эътироф қилди, ишора қилинган жой кавланди, ажабо, ҳақиқатан у ерда бир ҳовуз тўла ҳар бир бўлаги ۱۰۰ мисқолдан бўлган соф олтинлар бор эди. Сўнгра Хулагу халифанинг канизаклари бўлимини тинтув қилишга буюрди, унда ۷۰۰ аёл ва канизаклар ҳамда ۱۰۰۰ та хизматчи бор эди[۸].

Халифа Мустаъсим Биллах  
Аббосийлар хазиналарини кўрсатиб  
бўлгандан сўнг, охирги манзил сари  
ҳайдаб борилди. Ҳулагу халифага  
ўта ёмон муомала қилди, дастлаб  
уни таомдан маҳрум айлади.  
Халифа қаттиқ очликни ҳис  
этгандан сўнг, таом сўраб ёлворди,  
шунда Ҳулагу бир тавоқ тиллани  
унинг қаршисига қўйиб, ол, е! –  
деди. Халифа бунга жавобан  
тиллани ҳам еб бўлармикан? – деди.  
Тиллани еб бўлмаслигини  
 биларкансан, нимага уни  
аскарларингга тақсимламасдан  
жамғариб юрибсан. Уларни  
аскарларингга бериб, мерос бўлиб

ўтган мулкингни душманлардан  
ҳимоя қилдирсанг бўлмасмиди?  
Мана бу темир дарвозалардан ўқ  
ясатиб, мени Жайҳун дарёсидан  
ўтишимга тўсқинлик қилсанг  
бўлмасмиди? – деди. Шунда халифа  
Оллоҳнинг тақдири шундай бўлиши  
керак экан-да, – деди. Ундан бу  
жавобни эшитган Ҳулагу бундан  
кейин бошингга тушадиган  
нарсалар ҳам Оллоҳнинг тақдири  
екан-да, бўлмасам, – деди<sup>[۹]</sup>. Бошқа  
бир ривоятда, Ҳулагу халифага  
юқоридаги саволларни кўндаланг  
қилганида, халифа жавоб бермасдан  
сукут сақлашни лозим кўрганлиги  
баён қилинади<sup>[۱۰]</sup>.

Мўғуллар халифанинг қони ерга тўкилмасин, дея уни бир қопнинг ичига солишиди, сўнгра Ҳулагу халифани тепкилаб ўлдиришга буюрди<sup>[۱۱]</sup>. Валлоҳу аъламу. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун.

Подшо ва амирларниң бу тарзда ўлдирилиши, мўғулларниң одатига кўра эди. Улар ғолибан подшо ва амирларниң қонини тўкмасдан ўлдирап эдилар<sup>[۱۲]</sup>. Бу ҳодиса ҳижрий ۷۰۶ йил ۱۴ сафар/мелодий ۱۲۰۸ йил ۲۷ феврал чоршанба куни рўй берди<sup>[۱۳]</sup>. Ўшанда халифа ۱۷ ёшда<sup>[۱۴]</sup> бўлиб, халифалик даври ۱۰ йил-у, ۸ ой давом этган эди<sup>[۱۵]</sup>. Сўнгра мўғуллар одатига мувофиқ

уни номалум ерга дафн  
қилишди<sup>[۱۶]</sup>. Халифа билан бирга  
унинг икки ўғли ўлдирилган<sup>[۱۷]</sup>,  
учинчи ўғли учта қизи билан бирга  
асир қилинган эди<sup>[۱۸]</sup>.

Фақат Боғдод эмас, у билан бирга  
бани Аббос халифаларининг  
охиргиси ҳамда шаҳар халқи маҳв  
этилди. Бу воқеа Боғдод  
дарвозалари очилганининг ۱۰-куни  
содир бўлган эди. Фожия биргина  
халифанинг ўлдирилишига  
чекланмади, Ҳулагу ўз қўшинига  
Боғдодда қатлиом амалиётини  
давом эттиришга амр қилди. Қирғин  
о ёки ۱۰ кун эмас, ۱۱ кун узлуксиз  
давом этди<sup>[۱۹]</sup>. Бунда сон минглаб,

милионлаб мусулмон эркаклар, аёллар, болалар ва гўдаклар қатл қилинди. Аксарият тарихчилар Боғдод шаҳрида қатл қилинганлар сони ۸۰۰ мингга етганлигининг хабарини берганлар<sup>[۲]</sup>. Боғдодда фақат саноқли насронийларгина тирик қолган эди. Мана шундай кулфатдан сўнг мусулмонлар қандай оёққа турганига инشاаллоҳ келаси дарсларимизда шоҳид бўламиз. Ўша вақтлар мусулмонлар бундай катта мусибатдан ўзларини ўнглаб олган бўлса, ҳозирда биз ҳам устимизга қора соясини солиб турган мусибатлардан чиқа олишимиз турган гапдир.

## Боғдод кутубхонаси нинг оқибати

Мўғул қўшинининг бир қисми мусулмонларни ўлдириш билан овора бўлган бир пайтда, қўшиннинг бошқа бир бўлаги юртдаги маданият ва маърифат манбаларини йўқотиш билан банд бўлди. Зеро, мўғуллар ўзлари билан мусулмонлар орасидаги илм-маърифат ва маданиятда осмон билан ерчалик фарқи борлигини кўриб, нафратлари-ю, адоватлари кўксиларига сиғмай кетаёзган эди. Дарҳақиқат, мусулмонлар илм-маърифат, мадиният ва ахлоқда мукаммал асос ва узун тарихга эга, диний ва дунёвий илмлар борасида

1· мингларча мўътабар олимлари бор эди. Шу билан бир қаторда, бу олимлар Ислом маданиятига доир миллионлаб китоблар тасниф этган эди. Мўғуллар эса, маданиятга эга бўлиш у ёқда турсин, Хитойнинг шимолидаги сахроларда пайдо бўлган қавм бўлиб, ўрмон қонунига таянган халқ эди. Ҳайвонлар сингари уруш қилиши етмагандай, ҳайвонлар каби яшар эдилар. Мусулмонлардек ер юзини обод этиш ёки дунёни ислоҳ қилиш ўрнига вайрон қилиш, бузиш ва яксон этишни ўзларига касб қилган эдилар.

Ислом уммати нафақат мўғуллардан, балки ер юзидағи бошқа миллатлардан тубдан фарқ қилиб келган ва шундай давом этади ҳам. Боғдод тарихидаги биз гувоҳ бўлиб турган бу фожиа, буюк Ислом уммати тарихини ҳаргиз ўчира олмайди.

Мўғул қўшинининг бир бўлاغи Боғдодда жойлашган, ўша вақтлар ер юзидағи кутубхоналарнинг энг катталаридан бўлган, ۷۰۰ йиллик тарихни ўз бағрига олган, илм-маърифат, одоб-ахлоқ ва тафсир, ҳадис, фикҳ, ақийда каби шариъат илмлари ва тиббиёт, фалакиёт, муҳандислик, кимиё, физика,

жўғрофия каби ҳаётга тааллуқли фанлар ҳамда сиёсат, иқтисод, жамият, тарих каби жамиятга алоқадор фанларни, шунингдек, миллион байтларча шеърлар, ўн мингларча қиссалар ва насрларни ҳамда инглиз, юнон, форс, ҳинд ва бошқа жаҳон тилларига таржима қилинган илмий бойликларни ўз ичига олган кутубхонага қараб келдилар. Ушбу кутубхонага машҳур Аббосий халифаларидан бўлган Ҳорун ар-Рашид (ҳижрий ۱۷۰-۱۹۳ йиллар халифа бўлган) асос солган, ундан сўнг бу кутубхона халифа Маъмун (ҳижрий ۱۹۸-۲۱۸ йиллар халифа бўлган)

замонида гуллаб яшнаган эди<sup>[۲۱]</sup>. Бу кутубхона ҳар томонлама тенгсиз бўлиб, улканликда факат Андалусдаги "Куртуба" исломий кутубхонасиғина у билан рақобатлаша оларди. Кутубхона бир қанча ҳужралардан иборат ва унда юзларча хизмат қилувчи ходимлар бор эди<sup>[۲۲]</sup>. Боғдод ишғол қилинишидан ۹۰ йил олдин Куртуба кутубхонаси Камбис исмли овропалик насроний томонидан ёқиб кул қилинган эди.

Мўғуллар адади миллионларча бўлган қийматли, бебаҳо китобларни кутубхонадан олиб чиқиб, Дажла<sup>[۲۳]</sup> дарёсига

ташлашди. Бу мўғулларнинг ўтакетган нодонлиги эди. Улар бу китобларни Мўғулистан пойтахти Қоракурумга [۲۴] фойдаланиш учун олиб кетсалар, ўзлари учун катта ютуқ бўлар эди. Ҳолбуки, мўғуллар мадиният ва тараққиётда ҳали гўдаклик боскичида эдилар. Бироқ улар ўқиш ва ёзишни билмайдиган, таълим олиш уларга ёт бўлиб, айшу-ишрат ва шаҳватларига қул бўлиб яшайдиган, дунёдан кўзлаган бирдан-бир мақсадлари вайрон қилиш бўлган ёввойи уммат эди. Дарёга улоқтирилган сонминглаб китоблардаги сиёҳларнинг сувга чиқиши натижасида Дажла дарёси

суви қоп-қора рангга бўялди. Ҳатто мўғул отлиғи бу қирғоқдан у қирғоққа дарёга ташланган китоблар устидан китобларни босиб, ўтиб қайтарди. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун.

Тарихда Ислом кутубхоналарининг муентазам талофат кўргани

Боғдод кутубхонасининг дарёга оқизилиши нафақат мусулмонлар, қолаверса, бутун инсоният учун улкан баҳтсизлик ва жиноят эди. Бу каби жиноятларга тарих кўп гувоҳ бўлган. Жумладан, насронийлар Андалусдаги буюк Қуртуба кутубхонасига ўт қўйишди, бундай

ҳолат миллионлаб китобларни ўз ичига олган Гранада кутубхонасида ҳам рўй берди, салибчилар унга ҳам ўт қўйишиди. Сўнгра салибчилар Андалусда Толедо, Севилья<sup>[۲۰]</sup>, Валенсия, Сарагоса<sup>[۲۱]</sup> ва бошқа шаҳарларда жойлашган кутубхоналарни ҳам айни кўринишида вайрон қилдилар.

Насронийлар Шомда ۳ милион китобни ўз бағрида саклаган Таробулус<sup>[۲۲]</sup> кутубхонасига ҳам ўт қўйдилар. Таробулус кутубхонаси Боғдод кутубхонасига ҳечам тенглаша олмас эди. Энди Дажла дарёсига оқизилган Боғдод

кутубхонасидаги китобларнинг  
сонини бир тасаввур қилинг, а!

Насроний саличилар Фаластиндаги  
Ғазо, Қуддус ва Асқалон  
кутубхоналаринида шундай хунук  
аҳволга солишиди. Сўнгра XIX-асрга  
келиб, янги Европа босқинчилари  
Ислом ўлкаларига бостириб  
келишиди, бироқ улар аждодларига  
қараганда бироз ақллироқ эканлар,  
улар Ислом давлатларидан  
ўғирлаган китобларни аждодлари  
сингари ёқмасдан, ўзлари билан  
олиб кетишиди. Ҳозирда Европанинг  
катта кутубхоналаридаги  
китобларнинг асосий қисмини

мусулмонлардан ўғирлаб кетилган китоблар ташкил қиласи.

Дарҳақиқат, Ислом душманлари узун асрлар оша илмнинг қайси тури бўлмасин бу умматни унга боғланишдан китобларни ёқиши, ё дарёга оқизиши, ёки ўғирлаш ёхуд таълим манҳажини ўзгартириши орқали маҳрум қилишга ҳаракат қилиб келдилар. Бу билан улар умматни асосий ва муҳим илм, дин ва ахлоқдан узоқлаштиришни хоҳладилар ва қайсиидир жихатдан бунга эришдилар ҳам. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ.

## Боғдодга ўт қўйилиши

Кутубхонани дарёга чўктириб  
бўлган мўғул қўшинининг бир  
бўлаги гўзал ва ҳашаматли  
биноларга қараб йўл олдилар ва  
уларни вайрон қилиб, ўт қўйдилар.  
Кўзларига чиройли кўринган  
қимматбаҳо нарсаларни ўзлари  
билан олар, эътиборларини жалб  
қилмаган нарсаларни ёқар эдилар.  
Ўша вақтлар ер куррасидаги буюк  
شاҳар харобага айланган, олов ва  
тутун етиб бормаган жой қолмаган  
Эди.

Боғдод ахлининг баъзиларини тирик  
қолдирилиши

Қатлиом бошланганидан өзүнден сүнг, Богдод тамоман хароб күринишга келган эди. Шаҳарда нодир суратда тирик инсонлар қолган, кўчаларда ўликлар баланд тепалик мисоли бўлган эди.

Ўликлар устига ёмғирлар ёғди, натижада улар ириб бошлади ва бутун шаҳарга сассиқ ҳид тарқалди. Об-ҳаво ўзгариши оқибатида пайдо бўлган вабо Шом диёригача етиб борди. Вабо (**ўлат**) жуда кўп инсонлар ҳаётига зомин бўлди [\[۲۸\]](#).

Хулагу аскарларига мусулмонларни ўлдиришни бас қилишларига буюриб, қатлдан тирик қолган Богдод халқига омонлик берди.

Хулагу бу миңтақада вабо тарқалиб,  
үз лашкарини қирилиб кетишидан  
құрққанидан шу қарорга кеган әди.  
Мусулмонларға яширинган  
жойларидан чиқиб, ўликларни  
күмишларини әълон қилди.  
Субҳаналлох!

Боғдодда омонлик садоси  
янграганида хандақлар,  
қабристонлар ва ташландик  
қудуқларға жон ҳолатда беркинган  
одамларнинг секин-аста чиқиб  
келиши, худди қабрларидан тирилиб  
чиқсан ўликлардек әди гүё. Улар  
бир-бирларини танимас, ҳатто ота  
боласини, ака укасини танимас  
әди<sup>[۲۹]</sup>. Кимдир отасини ё қизини,

яна кимдир онасини ёки боласини ахтаришга тушди. Лекин адади миллионга етган ўликларни дафн қилиш осон эмасди. Тирик қолган мусулмонлар биродарларининг мурдаларини кўмиб улгурмаслари шаҳарда даҳшатли суратда ўлат ва вабо тарқалди. Натижада қолган инсонлар ҳам ўлиб кетди. Қилич тифидан омон қолганлар, шаҳарда тарқалган ўлат ва вабо эпидемиясидан қутила олмади, улар ўзларидан илгари оламни тарк қилган ўликлар сафига қўшилдилар<sup>[۳]</sup>. Бу Боғдоддининг янги фожиаси эди. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ....

## Муаййиддин Алқамийнинг Боғдодга ҳоким қилиниши

Сўнгра Хулагу шу йилнинг жумодул-увла ойида Боғдодга Али Баҳодир ва Муаййиддин Алқамийни ҳоким қилиб тайинлади<sup>[۳۱]</sup>, бироқ унга ҳокимнинг номидан бошқа нарса тақдим қилмаган эди. Алҳол, ҳар қандай қарор ва буйруқлар мўғуллар томонидан белгиланаар, ҳоким эса бажаришдан нарига ўта олмас эди. Янги ҳокимга нафакат Хулагу ҳатто оддий мўғул аскари ҳам bemolol буйруқ берарди, бу бир томондан ҳокимни хорлаш бўлса, иккинчидан бошқарувда унинг ҳеч қандай қадр-қиймати ва қуввати

йўқлигини уқтирад эди. У мўғулларга тобе бўлиб хорликнинг охирги даражасига етди. Мана шундай, кимки дини, ватани ва обрўсини сотса, ёрдам берган душманлари қархисида ҳам қадрсиз бўлиб қолади. Айғоқчилар душманлар назарида-да зигирчалик қадрга эга бўлмайдилар. Хоин вазир Боғдодга волий бўлгандан сўнг, бироз муддат хор бўлиб юрди ва ўз уйида бир неча ойдан кейин, жумадул-охира ойида жон таслим қилди<sup>[۳۲]</sup>. У бу хоинлиги эвазига Боғдодни сотгандан сўнг хўрлик ҳаётида ۴ ой яшади<sup>[۳۳]</sup>. Ҳокимлиги, мулки ва хиёнатидан бирор фойда

кўрмади. Бу ҳодиса ҳар бир хоин учун ибрат бўлиши керак.

"Парвардигорингиз (ахли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир"[\[۳۴\]](#)

Сўнгра мўғуллар вазирнинг ўғли Иззуддин Абул Фазлни Боғдодга волий қилишди[\[۳۵\]](#), отанинг мероси болаларига қолганидек, хиёнат ҳам унга ота мерос бўлган эди. Бироқ бу мансаб унга баҳтсизлик келтирди, Боғдодга волий бўлган хоин вазирнинг ёш новқирон ўғли Боғдод ишғол қилинган йили ҳижрий ۷۰۶

йилнинг ўзида оламдан кўз юмди<sup>[۳۶]</sup>. Дунёга тармашган кимсанинг ҳалокатга учраши ҳеч ажабланарли эмас. Халифа дунёга маҳкам ёпишганида ҳалок бўлди. Сўнgra, хоин вазир, ундан сўнг унинг дунёга ҳирс қўйган ўғли отасининг ортидан равона бўлди. Боғдод ахли дунёга берилганида ҳалокатга юз тутди. Бу ер юзида жорий бўлган қонундир....

## Боғдод ағдарилишининг асорати

Боғдоднинг мўғуллар томонидан ишғол қилиниши бутун оламга яшин тезлигида тарқалди. Бу Ислом

оламига ҳазм қилиш мутлақо қийин бўлган даҳшатли зарба бўлган эди, чунки Боғдод шунчаки бир шаҳар эмасди. Боғдод ўша замонда ер куррасидаги энг катта шаҳар бўлиши билан бирга илм-маърифат, тараққиёт, маданият мужассам бўлган Ислом уммати хилофатининг пойтахти эди. Мусулмонлар эсанкираб қолишиди, Боғдод ишғол қилинди, дегани нимаси? Халифа ўлдирилиб, ўрнига бошқа халифа тайин қилинмади, деганичи? – каби саволлар одамлар орасида жавобсиз қоларди.

Мусулмонлар халифасизлик қандай бўлишини ақлларига сиғдира

олмасди. Улар учун хилофат ўта муҳим аҳамиятга эга эди. Ўша вақтда Аббосийлар хилофати ўта заиф ҳолатда бўлсада, бир кун келиб хилофат албатта кучаяди деган умид уларнинг зеҳнида барҳаёт эди. Мўғулларнинг чиқиши, мусулмонларнинг мағлубияти, Боғдод ва хилофат ағдарилгандан сўнг мусулмонларнинг тушкунликлари, уларни "бу қиёмат аломати, энди Маҳдий чиқади ва мўғуллар устидан нусратга эришади", - деган эътиқодга етаклай бошлаган эди.

Бир кун келиб Маҳдий чиқади, Исо алайҳис-салом тушади ва қиёмат

қоим бўлади, бунга иймонимиз комил, иншааллоҳ. Аммо қиёмат кунини қачон бўлишини ҳеч ким билмайди,

"Одамлар сиздан (**қиёмат**) соати (**қачон бўлиши**) ҳақида сўрайдилар. «У (**соатни**) илми ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридадир», деб айтинг. Қаердан билурсиз, эҳтимол у соат яқин келиб қолгандир"[\[۳۷\]](#)

Нега мағлубият ва мувофақиятсизлик кезларида инсонлар онгида бу каби дунёқараш пайдо бўлди? Балки мусулмонлар тушкунлик сабаб, Оллоҳнинг ва ўзларининг душманлари мўғулларга

қарши ғалаба қилишга кўзлари  
етмай, осонроқ ечимни  
ахтаришгандир. Имом Махдий  
чиқса ёки бирор-бир мўъжиза рўй  
берса-ю, мўғуллар устидан ғолиб  
бўлсак, деб тасаввур қилгандирлар.  
Валлоҳу аълам.

Бу орада насронийлар  
хурсанчиликларидан ўзларини  
қўярга жой топмаётган эдилар.  
Мўғулларнинг Ислом оламига  
берган бундай қаттиқ зарбасидан  
сўнг, салибчилар Шом ва Миср  
ўлкаларига юришларини янгидан  
бошлашларида шубҳа йўқ эди.

Мўғуллар Боғдодни эгаллашди,  
унинг мол-мулкини талашди.  
Қонхўр кимса ҳеч қачон  
хунрезликдан тўймайди. Оқилга  
аёнки мўғуллар Боғдодни ишғол  
қилиш билан чекланмайдилар ва  
янги хазиналар излашлари аниқ.

Бу мавзуларга келаси  
дарсларимизда тўхталиб ўтамиз,  
иншааллоҳ.

Валлоҳу таъала аълам....

**Вассаламу алайкум ва**  
**роҳматуллоҳи ва барокатух.**

---

- [۱] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۰۹-۳۶۰).
- [۲] Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۰-бет).
- [۳] Маҳмуд Шокир "ат-Тарихул Исламий" (۱-жилд, Аббосийлар давлати, ۱-қисм, ۳۳۸-бет).
- [۴] Марям: ۲۳
- [۵] Ал-Ҳаққо: ۲۸-۲۹
- [۶] Муъминун: ۹۹-۱۰۰
- [۷] Абу Довуд (№۳۴۷۲), Аҳмад (№۴۹۸۷) ривоятлари, Албоний «Ас-силлатус-саҳиҳа»да (۱۱) саҳиҳ санаган.

[۸] "Тарих мухтасар ад-дувал" (۲۷۱-бет), Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۶-бет).

[۹] Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۷-бет).

[۱۰] Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۷-бет).

[۱۱] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (۱۷/۳۰۹). Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ халифанинг осиб (бўғиб) ёки чўқтириб ўлдирганини ҳам нақл қилганлар бор, деб айтиб ўтган. "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۸-бет), "Мухтасар фи ахбарил башар" (۳/۲۰۳).

[١٢] Аҳмад Абдулваҳҳоб Нувайрий "نهایة الأربع في فنون الأدب" (٢٦٩-بَط).

[١٣] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (١٧/٣٦١, ٣٦٤-٣٦٥, ٣٦٦), Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (١-жилд, ٢٧٠-بَط), Рошиуддин "Жомиъут-таварих" (٢-жилд, ١-қисм, ٢٩٤-٢٩٥-бет).

[١٤] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (١٧/٣٦٤-٣٦٥). ٤٦ ёш, ٤ ой (١٧/٣٦١, ٣٦٦).

[١٥] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (١٧/٣٦١, ٣٦٦).

[١٦] Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (١-жилд, ٢٧٠-بَط).

[۱۷] Рошидуддин "Жомиъут-таварих" (۲-жилд, ۱-қисм, ۲۹۴-۲۹۵-бет).

[۱۸] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۶).

[۱۹] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۱).

[۲۰] Заҳабий "Ислом давлатлари" (۲/۱۲۳), Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۰-бет).

[۲۱] Доктор Али Мұхаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (۲۰۰-бет).

[۲۲] Доктор Али Мұхаммад Саллабий "ал-Мўғул байналинишишор вал-инкисор" (۲۰۰-бет).

[۲۳] рус. Тигрис.

[۲۴] рус. Каракорум.

[۲۵] Турк. Sevilla.

[۲۶] Турк. Zaragoza.

[۲۷] Рус. Триполи.

[۲۸] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۲).

[۲۹] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۲-۳۶۳), Маҳмуд Шокир "ат-Тарихул Исламий" (۷-

жилд, Аббосийлар давлати, ۱-қисм, ۳۳۸-бет).

[۳۰] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۲-۳۶۳), Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (۱-жилд, ۲۶۶-бет).

[۳۱] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۳), Рошиудуддин "Жомиъут-таварих" (۲-жилд, ۱-қисм, ۲۹۴-۲۹۵-бет), Маҳмуд Шокир "ат-Тарихул Исламий" (۷-жилд, Аббосийлар давлати, ۱-қисм, ۳۳۹-бет).

[۳۲] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۲-۳۶۳, ۳۸۰), Доктор Али Муҳаммад Саллабий "ал-Мўғул

байнал-интишор вал-инкисор" (۲۰۳-бет).

[۳۳] Доктор Али Мұхаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (۲۰۳-бет).

[۳۴] Ҳуд: ۱۰۲

[۳۵] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۳, ۳۸۰) Доктор Али Мұхаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (۲۰۳-бет).

[۳۶] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۶۳, ۳۸۰), Маҳмуд Шокир "ат-Тарихул Исламий" (۷-жилд, Аббосийлар давлати, ۱-қисм,

۲۳۹-бет). Саллабий Жувайнийдан нақл қилишича, вазирнинг ўғли ҳижрий ۷۰۷ йил зулҳижжа ойида, яъни Боғдод ишғолидан бир йилдан сўнг ўлган ва девон ишлари Ато Малик Жувайнийга топширилган, "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (۲۰۴-бет).

[۳۷] Аҳзоб: ۶۳